

## **“НАМАСТЭ, ҲИНДИСТОН” 25 ЁШДА!”**



**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7398159>**

**Ахмаджон Қосимов**

Ҳинд филологияси битиравчиси,  
Узтелерадио “Ёшлар” канали “Намасте”  
эшиттиришининг асосчиси  
Тел.:+998 91 132 35 85

### **АННОТАЦИЯ**

Ўзбекистонда ҳинд маданияти, миллий қадрияталир, буюк шахслари ва умуман Ҳиндистонни севувчиларга багишланган “Namaste” эшиттиришии Ёшлар каналида чорак асрдан буён тингловчиларга хизмат қилиб келади. Ушбу мақолада “Намасте” эшиттиришининг қисқача тарихи ва фаолияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳинд маданияти, тингловчи, фильм, муҳлис, бошловчи.

### **ANNOTATION**

*A radio program "Namaste", which devoted to Indian culture, national values, great personalities and people who love India , has been serving listeners on Yoshlar channel for a quarter of a century. This article covers the brief history and activities of the "Namaste" program.*

**Key words:** Indian culture, film, listener, fans, presenter.

“Намасте, Ҳиндистон! Қадимдан барчани оҳанграбодек ўзига тортган мўъжизалар юрти -салом сенга! Ажойиботларинг, табиатинг, инсонларинг, маданияту санъатинг, куч-кудратинг нимада? Сени билгимиз, танигимиз, ўзимизни ҳам танигимиз келади. Шу сабаб ҳам сенга ҳамиша салом, деймиз”

Ушбу сўзлар мана 25 йилдирки, “Yoshlar” радиоканалида ҳар жума ва якшанба кунлари янграб келади. Деярли бир соат давом этадиган мазкур дастур нафақат юртимиздаги муҳлислар, балки қўшни давлатлар-Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон тингловчиларининг ҳам севимли эшиттиришига айланиб улгурган. Бунга улардан келаётган мактублар мисол бўла олади. Эшиттиришининг муаллифи ва бошловчиси ҳиндишунос, халқаро журналист “Дўстлик” ордени соҳиби мен, яъни Ахмаджон Қосимовdir.

Юртимизда Ҳиндистон, унинг аҳли, маданияти ва айниқса фильмлариға ҳамиша қизиқиши катта бўлган. Кейинги йилларда давлат ва хусусий студиялар томонидан дубляж қилинаётган Ҳиндистон фильмлари телевидения каналлари орқали деярли ҳар куни намойиш қилинмоқда.

Баъзи кўрсатувлар ва эшиттиришларда Ҳиндистон ҳакида лавҳалар ҳам намойиш қилиниб, қизиқарли маълумотлар ҳикоя қилиб келинади. Уларнинг орасида деярли 25 йилдан бери эфирга узатилаётган “Yoshlar” радиоканалидага “Намастэ, Ҳиндистон” эшиттиришининг ўрни ва мавқеи ўзгача.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар узатиш бошқармасида ҳиндий тилидаги радио эшиттиришлар бўлимида меҳнат фаолиятини бошлаганман шу билан бир қаторда телевидениядаги “Дурдаршан”, “Намастэ” кўрсатувларини ҳам тайёрлаш жараёнларида иштирок этиб келганман.

Менга жуда катта қувонч ва баҳт ҳисларининг тақдим этган Бобур номли ҳалқаро илмий экспедиция таркибида Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон бўйлаб қилган саёҳатларим, кейинчалик Ҳиндистон бўйлаб хизмат сафарларида бўлганларим, 200га яқин бадиий фильмларни ўзбек тилига ўгириш жараёнидаги тажрибаларимдир. Дастур тайёрлаш жараёнида Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларини ҳар куни кузатиб бориб, эшиттиришни янада қизиқарли бўлишида, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш иш фаолиятимнинг асосий қисми ҳисобланади.

Бу эшиттиришда нафақат Ҳиндистонда сўнгти кунларда юз берган воқеалар, балки нишонланаётган байрамлар, эришилаётган ютуқлар ҳақидагина ҳикоя қилинмай, балки Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасида ривожланиб бораётган дўстлик ва хамкорлик алоқалари, Лал Баходир Шастри номли Ҳиндистоннинг Тошкентдаги маданият марказида ўтказилаётган тадбирлар, ўзбек ҳиндшунослари эришаётган ютуқлар ҳакида ҳам ҳикоя қилинади. Даструрларда шунингдек, Ҳиндистон бўйлаб саёҳатда бўлиб қайтган турли соҳа вакилларининг, Ҳиндистон олийгоҳларида тахсил олиб қайтган ёшларнинг интервьюлари ҳам борилади.

Бундан ташқари таниқли ёзувчи ва шоирларнинг сафарномалари ҳам ўқиб эшиттирилади. Жумладан, Хайриддин Султоновнинг “Бобурийнома” асари, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сорига”, “Бобурийлардан бири” асарлари қисмларга бўлинган ҳолда тингловчилар эътиборлариға ҳавола қилинган.

Айниқса, тингловчилар хайратини оширган ва қайта-қайта эшиттиришни сўраган асар бу Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Жанубий ва

Жанубий Шарқий Осиё тиллари хамда Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари, шунингдек мазкур йўналишда тахсил олаётган талабалар иштирокида ўзбек адабиётининг сара асарларидан намуналар таржима қилиниб “Ўзбек адабиёти намуналари ҳиндий тилида” номи билан чоп и ҳам “Намасте” эшиттиришида тингловчиларга етказилди. Айни кунларда ҳам таржима китобидан тингловчилар эътиборига ҳавола қилиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш, эшиттиришларни тинглаб, дастлабки сўзларни дастурлардан ўрганиб, кейинчалик Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ҳиндий тили курсларини тамомлаб, сўнг Ҳиндистон олий ўқув юртларида тахсил олиб, саёҳатда бўлиб қайтаётган хамюртларимизнинг сони ортиб бораётгани “Намасте” эшиттиришининг энг катта ютуқларидан биридир.

Зеро, нафақат уларга маълумот бериш, балки тил ўрганишларига ҳам қизиқтира олганим ушбу эшиттиришнинг ютуғи. Биринчи бўлиб қорақалпоғистонлик Лобар Латирова исмли муҳлиса эшиттиришлар орқали ўрганган сўзларини мактубларида ёзиб, ҳиндий тилини ўрганиш истагини билдиради. Сўнг менинг тавсиямга кўра, Тошкентга келиб ҳиндий тили курсларини ўтаб, Агра шаҳридаги тил марказига ўқиш учун йўлланма олди. Кейинги йили шаҳрисабзлик Умида Муҳаммадиевага шундай баҳт кулиб боқади. Сўнгра қашқадарёлик Матлюба Атаева, чирчиқлик Комила Йўлдошева сафарда бўлиб қайтишди. Ҳозирда бухоролик Гулбаҳор Шомуродова Дехлида тахсил олмоқда.

Ўзбекистон-Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустахкамланишига, ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида куни кеча Тошкентда ўтган 14-чи халқаро кино фестивалда мен гужорот тилидан таржима қилинган “Reva”, телугу тилидан таржима қилинган “Mahanati”, урду тилидан ўтирилган “Load wedding” ва “Cake” номли бадиий фильмларни томошабинлар эътиблорига ҳавола қилишга ўз ҳиссамни қўшдим.



*“Намасте” эшииттириши асосчиси ва бошловчиси Ахмаджон Қосимов*



*Анил Шастри соҳиб Намасте» меҳмони*